

---

## ФАРҒОНАДА “ДЎСТЛИК” ОРДЕНИ ВА “ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ” КЎКРАК НИШОНЛАРИ ЎЗ ЭГАЛАРИГА ТОПШИРИЛДИ

Бугун Фарғона шаҳри Қиргули мавзесида жойлашган “Дўстлик уйи”да Халқлар дўстлиги кунини муносабати билан Президент фармонида кўра, тақдирланган бир гуруҳ фарғоналикларга давлат мукофоти ва кўкрак нишонларини топшириш маросими бўлиб ўтди. Тадбирда Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси раиси Рустамбек Қурбанов, вилоят ҳокимининг ўринбосари Жамшед Хатамов ҳамда вилоятимизда фаолият олиб бораётган миллий маданий марказлар вакиллари қатнашдилар.

Дастлаб “Дўстлик уйи”да миллий маданий марказлар учун яратилган шароитлар кўздан кечирилди. Шундан сўнг тадбирда сўз олганлар томонидан Давлатимиз раҳбари бошчиликларида миллатлараро дўстлик, тотувлик ва бағрикенгликни мустаҳкамлашга юртимизда алоҳида эътибор қаратилаётгани қайд этилди.

Фарғона вилоятида миллий маданий марказларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш борасида катта ишлар амалга оширилгани, 8 та миллий маданий марказларга алоҳида хоналар ажратилиб, тўгараклар ўтиш ва турли тадбирлар ташкил этиш учун концерт зали замонавий кўринишга келтирилгани таъкидланди. Эндиликда миллий маданий марказларга ёшларни жалб этиш, улар фаоллигини ошириш зарурлиги айтиб ўтилди.

Тадбир давомида ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг турли жабҳаларида самарали меҳнат қилиб, миллатлараро дўстлик ва тотувликни мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшаётган Фарғона вилояти турк миллий маданий маркази раиси Тахир Кападзега “Дўстлик” ордени топширилди.

Шунингдек, Фарғона вилояти корейс миллий маданий маркази раиси Виктор Лян, Фарғона вилояти қирғиз миллий маданий маркази аъзоси Метин Каримов, Фарғона вилояти немис миллий маданий маркази аъзоси Ирина Павлова, Сўх тумани юридик хизмат кўрсатиш маркази бошлиғи Ўктамжон Эргашевлар ҳам “Халқлар дўстлиги” кўкрак нишонларини тантанали қабул қилиб олдилар.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2023-08-02 12:43:16